

"Янги Ўзбекистон - янгича дунёқараш" мавзусида тадбир

"Янги Ўзбекистон - янгича дунёқараш" мавзусида тадбирлар ташкил этилмоқда. ТИҚХММИ "Электротехнологиялар ва электр жиҳозларидан фойдаланиш" кафедрасининг профессор-ўқитувчилари доц. А.Бердишев, доц. Ў.Халиқназаров, асс. А.Турдибоевлар 2020 йил 18 ноябрь куни Ўрта Чирчик туманидаги "Гулзор" МФЙ худудидаги 45-умумий ўрта таълим мактабида ташкил этилган тадбирда иштирок этдилар. Тадбирда, "Гулзор" маҳалласи аҳолиси вакиллари, нуроний отахон ва онахонлар, хотин-қизлар кенгаши аъзолари, мактаб ўқитувчи ва ўқувчилари, ҳамда бир қатор фаоллар қатнашдилар.



Мазкур тадбир Ўзбекистон Республикасининг давлат мадҳияси билан бошланди. Тадбир ўта кўтаринки кайфиятда ва карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда ўтказилди. Тадбирнинг очилишида "Электротехнологиялар ва электр жиҳозларидан фойдаланиш" кафедраси мудири, доц. А.Бердишев сўзга чиқиб юртимизда кейинги йилларда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий ҳамда сиёсий соҳалардаги ислоҳотларнинг туб моҳияти ҳақида тадбир иштирокчиларига яна бир бор гапириб ўтдилар. Маъruzachi кейинги йилларда юртимизда кўпгина соҳаларда қўлга қиритилаётган улкан ютуқларга алоҳида тўхтаб ўтди. Тақдимот билан бойитилган ушбу маъруза тингловчиларда катта таассурот қолдирди.



Тадбирда 45-мактаб директори А.Исаков, Гулзор МФЙ раиси F.Турдуқуловлар хам ўз маърузалари билан иштирок этишди. Тадбир бадиий қисм билан давом этди. Бадиий қисмда Ўрта Чирчик тумани бадиий ҳаваскорлари ва 45-мактаб бадиий тўғаракларининг иштирокчилари ҳамда бир қатор спортчи ёшлар ўз чиқишилари билан йиғилганларни хушнуд қилдилар. Тадбирда 45-мактаб ўқитувчилари ва ўқувчилари тамонидан ўзбек, рус, инглиз тилларида тадбир иштирокчиларини табириклишди. Бундан ташқари мактаб ўқувчилари тайёрлаган ҳар хил ширинлик сайили ва китоб ярмаркаси ташкил этилди. Тадбирда "Билимдон-зукколар" беллашуви ўтказилди. Беллашув ғолибларига ва тадбирнинг фаол иштирокчилари доц. А.Бердишев ва МФЙ раиси номидан турли-хил эсадалик совғалари улашилди. Тадбир жуда кўтаринки руҳда ва юксак савияда ўтказилди.



ТИҚХММИ матбуот хизмати